

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА  
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МУХАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

<b>“Келишилган” Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги</b>	<b>“Келишилган” Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги</b>	<b>“Тасдиқлайман” Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Т.Тешабаев</b>
--	--	--

“ ” 2018 й “ ” 2018 й “ ” 2018 й

**ЧЕТ ТИЛИ ФАНИДАН МАГИСТРАТУРАГА КИРИШ СИНОВИ ДАСТУРИ  
ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

5A330301	-Криптография ва криптоанализ (йўналишлари бўйича)	5A350301	-Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент
5A330302	-Ахборот хавфсизлиги (йўналишлари бўйича)	5A350303	-Рақамли иқтисодиёт
5A330501	-Компьютер инжиниринги: Компьютер тизимларини лойиҳалаш	5A232801	-Электрон тижорат
5A330501	-Компьютер инжиниринги: Амалий дастурий воситаларни лойиҳалаш	5A350501	-Почта хизматини ташкил этиш ва технологияси
5A330501	-Компьютер инжиниринги: Ахборот ва мультимедиа технологиялари	5A350602	-Электрон кутубхона ва архивлар
5A330502	-“Электрон ҳукумат” тизимини бошқариш	5A350702	-Антенналар ва ўта юқори частотали қурилмалар
5A330601	-Дастурий инжиниринг	5A380801	-Телевидения, радиоалоқа ва радиоэшиттириш қурилмалари ва tizimлари (турлари бўйича)
5A350101	-Телекоммуникация инжиниринги: Ахборот узатиш тизимлари	5A350901	-Мобил алоқа тизимлари
5A350101	-Телекоммуникация инжиниринги: Телекоммуникация тармоқлари	5A351001	-Аудиотехнологиялар
5A350104	-Телекоммуникация тизимлари ва тармоқларида ахборот хавфсизлиги	5A351002	-Видеотехнологиялар

Мутахассисликлари учун

**Тошкент -2018**

## **Университетда мавжуд барча магистратура мутахассисликлари учун Чет тили фанидан синов дастури ва баҳолаш мезони**

Тузувчи: А.Шарипова – ТАТУ Чет тиллари кафедраси мудири;

Тақризчи: Х.Умаров – ТАТУ маънавий ахлоқий-тарбиявий ишлар бўйича проректор.

### **Кириш**

Мазкур дастур магистратурага ўқишга кирувчилар учун мўлжалланган. Дастур магистратурага кирувчиларнинг чет тили бўйича назарий билимларини синовдан ўтказишга қаратилган.

Мазкур дастур доирасида синов топширувчи талабгорлар ўрганилаётган тилнинг муайян дастурлар асосидаги орфографик, орфоэпик, грамматик, лексик ва стилистик нормаларини эгаллашлари, уларнинг барча фаолияти турларида тест шаклда тўғри қўллай олишлари талаб этилади.

### **Асосий қисм**

Чет тили фани талабаларнинг ўзга тилда мулоқот юритиш малакаси ва маҳоратини лингвистик, коммуникатив, ижтимоий-маданий билимлар воситасида ривожлантиришдан иборат. Ўрганилаётган чет тилини ўрганиш таркибига ўқиб ахборот олиш, тарбия ва ривожланиш нуқтаи назаридан чет тилини коммуникатив ўқитиш жараёнида берилиши мумкин бўлган маънавий бойликлар киради. Чет тилини ўқитишнинг асосий мақсади – талаба ўз касбий фаолиятида ҳамда кундалик ҳаётида чет тилидан самарали ва эркин фойдалана олиш кўникмаларини ҳосил қилиш керак. Мутахассисликка оид матн маълумотларини таҳлил қилиши, тил соҳиби нутқини тўлиқ тушуниши, умумгуманитар характерга эга бўлган, ижтимоий-сиёсий характердаги ва мутахассисликка оид адабиётлардан ахборот олиш, ахборот алмашиш имконига эга бўлиши лозим.

### **Чет тилининг фонетика ва грамматика қисмлари бўйича**

Ўрганилаётган тилнинг товуш тизими урғу, интонация, ритмик гуруҳ, сўзларнинг боғланиши ва морфологик тузилиши, сўз туркумлари: от, сифат, сон, феъл, равиш, ёрдамчи сўзлар, артиклар, предлоглар, равишдош, сифатдош феълларнинг актив ва пассив формалари, модал феъллар, конъюктив 1, конъюктив 2, инфинитив ва инфинитивли конструкциялар модал сўзлар, модал юктамалар, феъл замонлари, мураккаб тўлдирувчи, отларнинг кўплик формаси, сифатларда роднинг ифодаланиши, гап бўлаклари ва уларнинг умумий таснифи, замонларнинг мослашуви кўчирма ва ўзлаштира гап.

### **Чет тили тилнинг синтаксис қисми бўйича**

Гап, Содда гап, Бир бўлакли гаплар, икки бўлакли гаплар. Қўшма гаплар. Аниқловчи эргашган, эга эргашган, мақсад эргашган, тўлдирувчи эргашган, ҳол эргашган, равиш эргашган, натижа эргашган, сабаб эргашган, шарт эргашган,

тўсиқсиз эргаш гаплар, актив ва пассив форма, пассив форманинг альтернативалари.

### **Чет тили тилнинг лексика қисми бўйича**

Мутахассисликка оид термин ва тушунчалар. Аббревиатура, акроним ва топонимлар. Идиомалар, фразеологик бирликлар. Кўп маъноли сўзлар, сўз бирикмалари, эркин бирикмалар, феълли турғун бирикмалар. Ўзлашган сўзлар. Клишелар. Луғатлар ва уларнинг таркиби. Тиллардаги реалиялар, муқобилсиз лексикалар.

### **Синов баҳолаш мезони ва ўтказиш шакли**

Чет тили фани бўйича билим даражасини белгиловчи тест синов ўтказилади, баҳолаш мезони **0 баллдан 50 балгачани** ташкил қилади. Синовда махсус тест ёрдамида кирувчининг ушбу фанлардан назарий билими аниқланади. Хар бир тест варианты жами **25 та** саволлардан ташкил топиб, хар бир тўғри жавоб **2,0 (икки) балл** билан баҳоланади.

Халқаро тан олинган чет тилини билиш даражаси ҳақидаги сертификат Чет тили халқаро сертификат (TOEFL бўйича камида 58 ёки IELTS бўйича камида 5 балл, TestDaF (TDN3), CEFR бўйича камида B2) ёки Давлат тест маркази томонидан бериладиган Чет тилини билиш даражаси ҳақидаги B2 ёки C1 даражасидаги сертификат тақдим этганларга чет тилидан 50 балл қўйилади ва улар чет тилидан кириш синовида иштирок этмайди.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар**

1. A.A. Ismailov, V.A. Fyodorov, Home Study Book (Zero level, Elementary level). – Т.; 2008.
2. A.A. Ismailov, V.A. Fyodorov, O.Morozova English for market economy. – Т.; 2008.
3. Don Shiach. How to write essay. – Oxford. 2009.
4. Martin Hewings. Advanced Grammar in use. Cambridge. 1998
5. К.Н. Качалова, Е.Е. Израилевич. Практическая грамматика английского языка. – М.; Бишкек, 2004.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Крылова Л.Р. Сборник упражнений по грамматике английского языка. – М., Книжный дом, 2003
2. Боқиева Г.Х., Ирискулов М.Т. In Touch Forever – Тошкент, 2006
3. Мўминов О. Public relations. История и теория. –Ташкент, Ijod dunyosi, 2004
4. Инглизча-русча, русча-инглизча, инглизча-ўзбекча луғат (барча нашрлари)